



Британиялик олимлар тадқиқот олиб боришди ва дунёдаги қадимий цивилизациялардан бири - шумер нима учун йўқ бўлиб кетганини аниқлашди. Мутахассисларнинг иши PNASда чоп этилган мақолада тасвирланган.

Маълумки, Аккад империяси (биринчи бирлашган Шумер давлати) Буюк Саргон томонидан ташкил этилган. Цивилизация 4200 йил олдин тўсатдан мавжуд бўлишни тўхтатди.

Олимлар аввалроқ содир бўлган воқеанинг бир нечта версияларини илгари сурган эди. Шундай қилиб, баъзилар йўқ бўлиб кетиш сабабини ҳокимиятнинг марказлашувидан норозилигини билдирган Месопотамия шаҳар-давлатларининг зодагонлари деб ҳисоблашган. Бошқалар эса, айбдор кўчманчиларнинг босқинида эканлигини тахмин қилишди. Энди шумерларнинг йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ вазият иқлим билан боғликлигини кўрсатадиган маълумотлар пайдо бўлди.

Оксфорд университетидан Стейси Керолиннинг айтишича, тадқиқотчилар ўша даврда нафакат шумерларни, балки қадимги Хиндистон ва Қадимги Мисрдаги цивилизацияларни ҳам йўқ қилган иқлим фалокати бўлганини узок вақтдан бери гумон қилиб келишган.

Иқлимшунослар Эрон шимолидаги Гол-и-Зард горида сўнгги беш минг йил ичида ҳосил

бўлган сталактитларни ўрганиб, кургокчилик ва чанг бўронлари шумерларни сув таъминотидан махрум қилган, деб тахмин қилишди.

Тахминан 4,26 минг йил олдин сталактитлар ўсишида сезиларли даражада секинлашди. Олимларнинг фикрича, бу ёгингарчилик даражасининг кескин камайиб кетганидан далолат беради. Тахминларга кўра, курук об-хаво даври 300 йилдан ортиқ давом этган. Формацияларнинг кимёвий таркиби ҳам ушбу минтақада тез-тез чанг бўронлари содир бўлганлигини кўрсатади.

Эътибор беринг, ҳозирда олимлар шумерларнинг келиб чиқиши ва бу қадимги халқ тилининг оилавий алоқалари ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилмоқдалар. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг баҳорида археологлар Ироқда милoddан аввалги учинчи минг йилликдаги Шумер портини топдилар. Қазилмалар Ироқ-Италия мутахассислари томонидан Носирия шаҳри яқинидаги Форс кўрфазининг қадимий қирғоқ қизигида олиб қилинди.